# СОВЕТ ВАТАНИНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН

## Ўртоқ Н. А. ТИХОНОВ нутқи

Бу ерда айтилган сўзлар, совет халқининг тарихий зафарларидан фахрланиш руҳи билан тўлиб тошган. Бу нутқларда партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати фаолиятига юксак баҳо берилган, КПСС сиёсий йўлининг батамом қўллаб-қувватланиши изҳор этилган. Буни барча Москва меҳнаткашларининг овози деб айтсам хато қилмайман!

Шундай нутқларни тинглар экансан, халқ ҳокимияти қандай баҳодирона куч-қувватни, қандай қудратли ғайрат-шижоатни жўш урдириб юборганлигини беихтиёр ўйлайсан, киши!

Буюк меҳнаткаш, курашчи ва бунёдкор совет кишиси ҳамма нарсага қодир!

Мени депутатликка номзод этиб кўрсатган Москвадаги «Иккинчи соатсозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Париж Коммунаси» фабрикаси, «Серп и Молот» заводи коллективларига чуқур миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Менинг шаънимга айтилган самимий сўзлар ва эзгу истаклар учун, менга кўрсатилган ишонч учун сидқидилдан раҳмат. Коммунист учун омманинг ишончидан қимматлироқ нарса йўқ, халққа хизмат қилишдан кўра юксакроқ нарса йўқ!

Совет кишилари келажакка комил ишонч билан назар ташламоқдалар. Бу ишонч мустаҳкам негизга эга. Бу ишонч — экономиканинг муттасил жўшқин ривожланишида, бу ишонч — жамиятимизнинг ғоявий-сиёсий бирлигида, социалистик Ватан барча халқларининг бузилмас қардошларча дўстлигидадир. Партиянинг коллектив донолиги, унинг темир иродаси ва метиндек жипслиги — бизни Ленин йўлидан, Октябрь йўлидан комил ишонч билан бошлаб бораётган буюк кучдир!

Ўзининг бутун ҳаётини меҳнаткашларнинг манфаатларига, тинчлик ва коммунизм ишига хизмат қилишга бағишлаган Юрий Владимирович Андроповни биз сўнгги йўлга кузатиб қўйган қайғули кунларда бизнинг сафларимиз яна ҳам маҳкамроқ жипслашди, партия билан халқнинг бирлиги яна ҳам мустаҳкамроқ бўлиб қолди.

Марказий Комитетнинг навбатдан ташқари февраль Пленумида Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, Ленин типидаги раҳбар Константин Устинович Черненко бир овоздан КПСС Марказий Комитети Бош секретари қилиб сайланди.

Ўртоқ Черненко назарий ва амалий проблемаларни ишлаб чиқишга, ривожланган социалистик жамиятни янада такомиллаштиришга ғоят катта ҳисса қўшмоқда.

Уни халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун матонатли курашчи сифатида яхши биладилар. У коммунистик ва ишчилар ҳаракатида юксак обрў-эътиборга сазовор бўлган.

Константин Устинович Черненко Марказий Комитет Бош секретари этиб сайланганлиги партия сиёсий йўлининг давомийлигини тасдиқлади, буни коммунистлар, барча совет кишилари якдиллик билан маъқуллаб, тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар!

Марказий Комитет навбатдан ташқари февраль Пленумининг қарорлари партиямизнинг ленинча йўли ўзгармас эканлигини яққол намойиш қилди!

Партия XXVI съездидан кейин ўтган йиллар мобайнида мамлакатнинг иқтисодий ва илмий-техникавий потенциали анча ошди, унинг мудофаа қудрати кучайди, халқнинг турмуш даражаси юксалди. Халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътибори яна ҳам юқори кўтарилди!

Шу йиллар ичида миллий даромад унинг ўнинчи беш йиллик дастлабки уч йилидаги ҳажмидан 240 миллиард сўмликдан зиёд ошиб кетди. Бу салмоқли рақам!

Партиянинг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни илдам ўстириш юзасидан қабул қилган йўли изчиллик билан ўтказиб келинди. Асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга тушириш капитал маблағлар ўсишидан ўзиб кетди.

Ўтган йили, айниқса, сезиларли натижаларга эришилди. Саноатни ривожлантиришдаги муваффақиятлар билан бир қаторда транспортдаги ишлар яхшилана бошлади, дон йиғиштириб олиш кўпайди, чорвачиликда ижобий силжишлар рўй берди. Экономика самарадорлигининг асосий кўрсаткичи — меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари бултурги ва шу беш йиллик дастлабки икки йилининг ўртача йиллик кўрсаткичларидан ошди. Ижтимоий ишлаб чиқаришда материал сарфи бирмунча камайди. Бу яхши! Бизнинг экономикамиз интенсивлаштириш йўлига тобора дадил ўтмоқда!

Бу йил ҳам ишлар чакки бошланмади, саноат маҳсулоти дастлабки икки ой ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тахминан беш процент ошди. Сут ва гўшт харид қилиш кўпайди. Мана шу якунларнинг ҳаммаси миллионлаб кишилар қилган конкрет ишларнинг, социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлигининг натижасидир. Социалистик мусобақа ғолиблари ҳамманинг иззат-ҳурматига сазовор бўлмоқдалар, уларни бутун мамлакат билади, улар билан фахрланади!

Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси пешқадамлари орасида москваликлар кўзга кўринарли ўринни эгаллаб турганликларини қайд этиб ўтиш қувончлидир. Совет пойтахти шу беш йилликнинг ўзидаёқ учинчи марта кўчма Қизил байроққа сазовор бўлмоқда.

Шу ажойиб муваффақият билан сизларни ва сизлар орқали Москванинг барча меҳнаткашларини партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан қизғин қутлайман!

Ҳозир эришилган суръатни сақлаб қолиш, ижобий тенденцияларни янада активроқ ривожлантириш, бу тенденцияларга барқарор тус бериш, 1984 йилги ва умуман беш йиллик план топшириқлари билан мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш муҳимдир.

Марказий Комитет 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумларининг қарорлари бизни, мамлакатнинг барча меҳнаткашларини айни мана шунга йўналтирмоқда.

Совет кишилари бирон бир босқичда социалистик жамиятимизни ривожлантириш якунларини чиқара туриб, улар фахрланса, қувонса арзийдиган ютуқларни, нималар устида меҳнат қилиш ва қандай янги вазифаларни ҳал этиш кераклигини кўриб турибдилар.

Социализм ўзининг капитализм олдидаги шак-шубҳасиз афзалликларини тобора янги-янги зафарлари билан, экономикани муттасил барқарор ўстириши билан исботламоқда.

Кейинги беш йил ичида СССРнинг миллий даромади қарийб 19 процент ўсди. АҚШда эса бу кўрсаткич 6 процентни ташкил этди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бизда 18 процент, Қўшма Штатларда эса атиги 1 процент кўпайди.

Айниқса шуни қайд этиб ўтиш муҳимки, саноатда меҳнат унумдорлигининг ўсиши бизда шу давр ичида 14 процентни, АҚШда эса фақат 3 процентни ташкил этди.

Мамлакатимиз бошдан кечирган барча синовлар, оғир жудоликлар ва машаққатларга қарамай, бизда шундай туб социал проблемалар аллақачон ҳал этилганки, бу проблемаларни капитализм неча юз йиллар мобайнида ҳал эта олмади ва ҳеч қачон ҳал этолмайди.

Аҳолининг иш билан тўла таъминланиши, ҳамма турдаги медицина ёрдами ва таълимнинг текин эканлиги биз учун аллақачон одат бўлиб қолган. Халқнинг турмуши йил сайин яхшиланиб бормоқда, совет кишиси — ўз мамлакатининг хўжайини бўлиб, барча моддий ва маънавий бойликлар унинг ихтиёридадир. Совет кишиси эртанги кунга дадил назар ташламоқда ва истиқболга ишончи комил.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, совет халқи ғоят қийин шароитларда социализмни барпо этиб, мамлакатнинг мудофаа қудратини кучайтириш тўғрисида, ўз ғалабаларини ҳимоя қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилиб келди ва Қўшма Штатлар билан ҳарбий-стратегик жиҳатдан тенгликка эришди.

Буларнинг ҳаммаси социалистик системанинг шак-шубҳасиз афзалликларидан, у энг мураккаб проблемаларни ҳал этишга, ҳар қандай дағдағага муносиб жавоб қайтаришга қодир эканлигидан яққол далолат беради.

Империалистик давлатларнинг ва аввало АҚШнинг ҳукмрон доиралари тегишли хулосаларни чиқариб олишлари керак эди. Шунга қарамай, улар СССР ҳамда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари устидан ҳарбий устунликка эришишдан, дунёда устун мавқеларни эгаллашдан иборат хатарли йўлга ўтиб олдилар.

АҚШ маъмурияти коммунизмга қарши «салб юриши»ни бошлаб, сиёсий режаларнигина шу билан боғлиқ қилиб қўяётгани йўқ. Бу маъмурият ҳар хил тақиқлаш ва жазо чоралари билан СССРнинг жўшқин ривожланишини тўхтатиб қўйишга уринмоқда. Америка сиёсатдонларининг ҳаёсизларча айтаётган гапларига кўра, АҚШ «Совет Иттифоқини иқтисодий ҳалокатга дучор қилишни» истарди.

Хўш, шундай гаплар ва уларнинг муаллифлари хусусида нима дейиш мумкин? Уларга панд-насиҳат бериш, бирон нарсани тушунтириш фойдасиз ишга ўхшайди. Халқ орасида айтилганидек, ақл — тугма эмас, уни бошга қадаб бўлмайди.

Лекин шундай бўлса ҳам, уларга тарихнинг шиддатли юришини тўхтатиб қолишга ҳеч ким муваффақ бўлмаган ва муваффақ ҳам бўла олмаслигини эслатиб қўйиш фойдалидир! Келажак — социализмники! Келажак — бизники!

КПСС билан Совет давлати тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашдан, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишдан иборат синалган ленинча сиёсатни муттасил ўтказиб келмоқдалар.

Биз ҳеч кимга таҳдид қилаётганимиз йўқ! Биз қуролланиш пойгасига қаршимиз! Совет Иттифоқи уруш хавфига қарши куч-ғайратларини аямайди.

Бизнинг кунларимизда коммунистлар фаолиятининг улуғ моҳияти дунё олдида янгича намоён бўлмоқда. Коммунистлар жабр-зулм ва эксплуатациянинг барча формаларини тугатиш учунгина эмас, шу билан бирга ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш учун ҳам энг изчил, букилмас курашчилардир. Шу мақсаддан кўра инсонпарварроқ ва олижанобpоқ бирон нарса бўлиши мумкинми, ахир!

Бизнинг барча конкрет таклифларимиз воқеаларнинг ривожини айни кескинликни юмшатиш томон буриб юборишга, дунёни уруш сари силжиб боришдан тўхтатиб қолишга қаратилгандир.

Биз Ғарбнинг ядро қуролига эга бўлган давлатларини биздан ўрнак олиб, ўз зиммаларига ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисидаги мажбуриятни қабул қилишга даъват этамиз.

Биз социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан бирга умуман куч ишлатмаслик тўғрисида НАТО билан Варшава Шартномаси ўртасида битим тузишни таклиф қиламиз.

Биз қуролланиш пойгасининг космик фазога ёйилишидан ўзаро воз кечиш, ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш тарафдоримиз.

Бизнинг мана шу ва бошқа тинчлик ташаббусларимиз асло бир томонлама устунликка эришишга мўлжалланган эмас. Бу ташаббуслар ялпи тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушади, бинобарин уларни амалга ошириш учун бир нарса — тенглик ва баб-баравар хавфсизлик, бир бирларининг қонуний манфаатларини ўзаро ҳисобга олиш асосидаги ўзаро мақбул қарорлар қабул қилиниши зарур.

Бу — одилона ва реалистик позициядир. Зотан биз ўз таклифларимизга ижобий жавоб қайтарилишини, бошқа томоннинг бу таклифларга амалий ёндашувини кутамиз. Аммо АҚШ томони ва НАТОдаги бошқа мамлакатлар ҳозирча шундай ёндашаётганлари йўқ.

СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати, бизнинг ҳарбий-стратегик мувозанат бузилишига йўл қўймасликка қодирлигимиз ва азму қароримиз, жаҳон социалистик ҳамдўстлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга интилишимиз тинчликни таъминлашга пухта хизмат қилади.

Бизнинг ташқи иқтисодий алоқаларимизда аввал бўлганидек, бундан буён ҳам социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари биринчи ўринда турадилар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини чуқурлаштириш, шубҳасиз, бизнинг муштарак социал-иқтисодий тараққиётимизни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Ижтимоий-сиёсий системасидан қатъи назар ҳар бир давлат биз билан савдо-иқтисодий муносабатларини тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли асосда яхшилашга доимо тайёрмиз.

Биз — халқаро иқтисодий муносабатларни батамом нормаллаштириш, бу муносабатларни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳукмронликдан батамом тозалаш тарафдоримиз.

Партия Марказий Комитетининг февраль Пленуми бизнинг ташқи сиёсатимиз аввалгидек тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишга, бутун халқаро вазиятни соғломлаштиришга қаратилишини тасдиқлади.

Бундай йўл халқимизнинг туб манфаатларига, бутун инсониятнинг орзу-умидларига мос бўлиб тушади!

Ривожланишимизнинг ички ва ташқи шароитлари ишлаб чиқаришни жадал интенсивлашни, ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни, ижтимоий меҳнат унумдорлигини тубдан оширишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан икки асосий проблемани ажратиб кўрсатиш керак деб ўйлайман.

Аввало биз ҳозирдаёқ мавжуд бўлган ғоят катта ишлаб чиқариш потенциалидан яна ҳам самаралироқ фойдаланишимиз зарур. Гап ишлаб чиқарувчи қувватларни тўлиқ ишлатиш, нобудгарчиликларга қарши қатъиян курашиш, иш вақтидан тежамли фойдаланиш тўғрисида бормоқда. Бунда ташаббускорлик, ижодий изланиш учун кенг уфқ очилмоқда. Бинобарин, ҳар бир ишчи коллективи, ҳар бир меҳнатчи ўз куч-ғайратини сарфлаш, мамлакат ишлари ва тақдири тўғрисида конкрет ғамхўрлик қилиш имконини топа олади.

Айрим участкаларда олинган натижа унча катта бўлмасин ҳам дейлик. Аммо кичик жилғалардан лиммолим дарёлар ҳосил бўлганидек, оддий тежаб-тергашдан халқ хўжалигида ўз кўлами жиҳатидан ғоят катта самара вужудга келади.

Шуни айтиш кифояки, саноатнинг ўзидагина таннархни пландан ташқари атиги ярим процент арзонлаштиришнинг ўзиёқ бир миллион совет граждани кўчиб кириши мумкин бўлган тахминан уч юз мингта қўшимча квартира қуриш учун етадиган маблағларни тежайди!

Фақат саноатда меҳнат унумдорлигини белгиланган пландан ташқари бир процент ошириш маҳсулотни қарийб 8 миллиард сўмлик кўпайтириш билан баробардир. Шу маблағларнинг ҳаммаси ҳам совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини, медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга, уй-жой қурилишига сарфланади.

Москва ҳамда бошқа шаҳарлардаги илғор коллективларнинг тажрибаси ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ўстириш имкониятларидан далолат беришини таъкидлаб ўтмоқчиман. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усули тажрибаси ўзининг яхши жиҳатларини кўрсатди. Бугун Лидия Николаевна Одинокова шу ҳақда гапирди. Бригадаларни тузишга ўйлаб, ишчанлик билан ёндашилган жойларда меҳнат унумдорлигини сезиларли ўстиришга эришилди.

Бизда ҳали ишни яхшилаш резервлари кўп эканлигини тўппа-тўғри айтиш керак. Уларни ишга тушириш учун кўпинча унча кўп қўшимча сарф-ҳаражатлар ҳам талаб этилмайди.

Ҳали биз ҳамма жойда ҳам тартиб ўрнатиб, юксак уюшқоқликни ва пухта иш маромини таъминлашга муваффақ бўла олганимиз йўқ. Баъзи корхоналарда техника жуда кўп бекор туриб қолмоқда. Ундан яхши фойдаланилмаяпти. Янги асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни автоматлаш ва механизациялаш баъзан етарли суръатлар билан жорий этилмаяпти.

Афсуски, Москванинг айрим корхоналарида ҳам баъзан шундай камчиликларни учратиш мумкин. Баъзида шундай манзарани кўриш мумкин: бир томондан ишчи кучи етишмайди-ю, иккинчи томондан эса, энг самарали ускуналар — автомат линиялар, рақамли программа билан бошқариладиган станоклар, саноат роботларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда, улар бекор туриб қолмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, ким кўпроқ ва яхшироқ ишласа у кўпроқ олиши ҳам, яхшироқ яшаши ҳам керак. Ким ёмон ишласа, унга камроқ ҳақ тўлаш керак, бундай одам ҳалол меҳнаткашларга бериладиган имтиёз ва афзалликларни камроқ олиши лозим.

Менимча, бу адолатли ёндашув. Бундай ёндашув меҳнат аҳлининг манфаатларига, бутун жамият манфаатларига мос келади.

Текинхўрларга, юлғичларга, давлат чўнтагини ўз чўнтагидан ажрата олмайдиган кимсаларга нисбатан юз хотирчилик қилинмайди!

Меҳнат унумдорлигини тубдан ошириш, экономикани интенсив ривожланиш йўлига изчиллик билан ўтказиш айни вақтда куч-ғайратларни иккинчи проблема — фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва илғор технологияни жорий этиш проблемасини ҳал этишга ҳам қаратишни талаб қилади.

Бунда гап, биринчи навбатда, машинасозликни янги техникавий даражага кўтариш тўғрисида бориши лозим. Шу асосдагина илғор илмий-техникавий ғояларни машина ва ускуналарнинг янги туркумларида мужассамлаштириш мумкин. Фан-техника революцияси шароитларида машинасозлик иқтисодий ўсишнинг ҳар қачонгидан кўра кўпроқ қудратли тезлатгичи бўлиб қолмоқда.

Илм-фан ва олимларнинг роли тўғрисида алоҳида гапириб ўтишни истардим. Бизнинг мамлакатимизда олимнинг меҳнати ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Уларнинг иш шароити доимо яхшиланмоқда. Лекин кимга кўпроқ имконият яратиб берилган экан, ундан кўпроқ нарса ҳам талаб қилинади. Бинобарин, биз олимлардан яна ҳам самаралироқ ишлашларини, ижодий изланишларини янги техника ва технология яратишгагина эмас, шу билан бирга фан-техника ютуқларини практикага жорий этиш ишига ҳам қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришларини кутишга ҳақлимиз.

Бу ўринда Москва яхши ўрнак кўрсата олган бўлур эди. Москва — мамлакатнинг энг катта илмий ва индустриал марказидир. Бу ерда илмий тадқиқотлар ва ечимлардан бошлаб, янги техника ва технологияни кўплаб ишлаб чиқариш ҳамда ўзлаштиришгача бутун занжир бўйлаб баҳамжиҳат ҳаракатни аниқ-пухта, самарали йўлга қўйиш учун энг қулай шарт-шароитлар мавжуд.

Бу соҳада ҳозирдаёқ кўпгина яхши мисоллар бор. «ЗИЛ» ишлаб чиқариш бирлашмаси Фанлар академиясининг институтлари билан, Москва давлат университети, Москва олий техника билим юрти ва бошқа билим юртлари билан актив ҳамкорлик қилмоқда. «ЗИЛ» коллективи мамлакатдаги кўпгина етакчи институтлар ва конструкторлик бюролари билан илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузган.

Бу заводда беш йилликнинг уч йили мобайнида тугалланган илмий-тадқиқот ишларидан ҳамда янги техникага доир тадбирларни жорий этишдан олинган иқтисодий самара салкам 15 миллион сўмга етди.

Москва илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюролари корхоналар билан биргаликда яратган янги техника, приборлар, машина-ускуналар, материалларнинг юксак самарали намуналари ҳамда замонавий технология жараёнлари Москва ва бутун мамлакат халқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда.

Ҳозир шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан СССР Фан ва техника давлат комитети билан биргаликда энг муҳим илмий-техника ечимларини пойтахт корхоналарида тезроқ жорий этиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳар қандай ишда бўлгани каби, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ишида ҳам ўзининг етакчи бўғинлари бор.

Ҳозир электроника белгиловчи аҳамият касб этмоқда. У ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаш, меҳнатнинг характерини ўзгартириш, унинг унумдорлигини ғоят ошириш учун принципиал янги имкониятлар очади. Шу боисдан ҳам ҳозир халқ хўжалигининг барча тармоқларига электрон-ҳисоб техникасини, микропроцессорларни кенг жорий этиш ғоят зарур социал-иқтисодий ва муҳим сиёсий вазифа бўлиб қолмоқда. Бу вазифа мамлакатимизда ҳозирдаёқ ҳал этилмоқда.

Ҳисоб ва микропроцессор техникасини жорий этиш, роботлардан кенг фойдаланиш негизида ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаш энг кўп самара бера олишини тажриба кўрсатмоқда.

Бу ишда Ленин комсомоли номли завод коллективи кашшофларнинг бири ҳисобланади. Бу коллектив ҳозирги замон талабларига мос келадиган автомобиль ишлаб чиқариш учун саноатнинг эпчил автомат системасини жорий этиб, ўзлаштириши керак бўлади.

Шу корхонанинг бош директори ўртоқ Коломников бу топшириқни бажариш учун партия ташкилоти, инженер-техник ходимлар, ишчилар катта иш қилаётганликлари тўғрисида бугун сўзлаб берди.

Корхона коллективи ўз олдига қўйилган мураккаб вазифани ҳал эта олади, деб партия Марказий Комитети билан ҳукумат номидан қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз!

Принципиал янги техника ва технологияни яратиш, жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш ўрта ва олий маълумотли ишчилар, мутахассислар тайёрлаш системаси такомиллаштирилишини тақозо этади.

Шу муносабат билан мен мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари ишини яхшилаш муҳимлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. КПСС Марказий Комитетининг маорифни ислоҳ қилиш тўғрисидаги лойиҳасида кўзда тутилган тадбирлар айни мана шунга қаратилгандир. Бу лойиҳа кенг муҳокама қилинмоқда. Унинг моҳияти замон талабларига мос келиб, қўллаб-қувватланмоқда.

Келгусида ҳунар-техника билим юртлари ўрта маълумот олишнинг, ёшларни меҳнатга тайёрлашнинг асосий формаларидан бири бўлиб қолиши лозим. Шу билим юртларини битириб чиққан кишилар олган диплом ёшларнинг ҳаётга, халқнинг меҳнат зафарларида актив иштирок этишга тайёрлигининг, профессионал жиҳатдан юксак даражада тайёрланганлиги, ғоявий ва маънавий етуклигининг ишончли далили бўлиши керак.

СССР Фанлар академияси вице-президенти ўртоқ Велиховнинг аҳоли кўпчилиги ҳисоб техникасини ишлата билиш амалий кўникмаларини эгаллаб олиши муҳимлиги тўғрисидаги фикрини ҳам қўллаб-қувватлайман. Яқин вақтлар ичидаёқ мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, олий ўқув юртларида электрон ҳисоб машиналаридан кенг фойдаланиш ўқув жараёнининг ажралмас қисми бўлиб қолиши кераклиги тўғрисидаги масала ҳам тўғри қўйилмоқда.

Хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, пировард халқ хўжалиги натижалари бирлигига уларнинг сарфини камайтириш интенсивлашнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Шу йилнинг ўзидаёқ миллий даромаднинг планлаштирилган 3,1 процент ўсишини унга кетадиган металл сарфини 2,5 процент ва энергия сарфини 1,5 процент камайтирган ҳолда таъминлаш керак бўлади. Келгусида интенсивлашнинг мана шу йўналиши аҳамияти яна ҳам кўпроқ ортади.

Гап фақат хом ашё ва ёқилғи қазиб чиқариш табиий сабабларга кўра тобора қимматга тушаётганлигидагина эмас. Биз мамлакатнинг келажаги тўғрисида, бизнинг ўринбосарларимиз — совет кишиларининг авлодлари тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз лозим.

Бугунги кундаёқ хом ашё ва ёқилғидан оқилона фойдаланиш тадбирлари ҳисобига уларни қазиб чиқаришни кўпайтириш учун маблағ сарфлашдан кўра фан ва техника тараққиёти кўпроқ самара олиш имконини беради. Илғор техника ва технология ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ёқилғи — энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш структурасини яхшилашда ҳам кўп иш қилиш керак бўлади. Энергетикамизнинг бугунги куни ва айниқса, эртанги куни атом электр станцияларини жадал ривожлантириш билан, нефть ўрнига газ ишлатиш билан боғлиқ.

Лекин ўз-ўзидан равшанки, ресурслардан самарали фойдаланиш проблемаси янги техника ва технологиягагина, структуравий сиёсатгагина боғлиқ эмас. Бадавлат яшаш учун тежамлироқ бўлиш керак, ҳар бир корхонада, қурилишда, ҳар бир иш жойида тежамкорлик режими учун оммавий ҳаракатни яна ҳам зўр куч билан авж олдириб юбориш зарур. Бунда ҳам кўп нарса сизларга, пойтахтимизда яшаб, меҳнат қилаётган ҳамма кишиларга боғлиқдир. Сизлардан ибрат олиб, сизларга тенглашмоқдалар!

Москва меҳнат унумдорлигини оширишда, яратилган ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини кўпайтиришда ва ресурсларни тежашда ўрнак кўрсатувчи шаҳар бўлиб қолиши керак.

Яна бир нарса тўғрисида гапириб ўтмоқчиман, тайёр қилиб қўйилган маҳсулотнинг нобуд бўлишига қарши жуда актив курашмай туриб, ғоят қаттиқ тежаш режимини тасаввур этиб бўлмайди. Бу нарса саноатда ҳам, айниқса, қишлоқ хўжалигида ҳам муҳимдир. Далаларда етиштирилган маҳсулотларнинг ҳаммаси йиғиштириб олиниши, сақланиши ва нобуд қилинмай истеъмолчига етказилиши керак. Ер ва меҳнат самараларидан омилкорлик билан фойдаланиш — Озиқ-овқат программасини бажаришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Планлаштиришни ва бошқариш системасини такомиллаштириш ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг муҳим шартидир. Кейинги вақтларда бу соҳадаги ишлар анча кучайтирилди.

Масалан, «Меҳнат коллективлари ҳамда корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришда уларнинг ролини ошириш тўғрисида» СССР Қонуни қабул қилинди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда иқтисодий омилларнинг ролини кучайтириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Шартномадаги мажбуриятларга риоя этиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва материаллар сарфини камайтириш учун министрликлар, идоралар ва корхоналарнинг масъулияти оширилмоқда.

Ҳукумат саноатда иш ҳақининг ўсишига нисбатан меҳнат унумдорлигининг илдам ўсишини таъминлаш чоралари белгиланган қарорни ҳам қабул қилди.

Қишлоқ хўжалигини, умуман агросаноат комплексини бошқаришни яхшилаш ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш каби катта-катта масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналар ва бирлашмаларнинг хўжалик жиҳатдан мустақиллигини янада кенгайтиришга, пировард иш натижалари учун уларнинг масъулиятини оширишга қаратилган кенг кўламдаги иқтисодий экспериментлар ўтказилмоқда.

Ленинградда дастлабки ижобий натижалар олинди. Бу ерда илғор тажрибани ҳамда энг янги илмий ечимларни практикага жорий этишда конструкторлик, технология ва лойиҳа ташкилотлари ходимларининг ролини ошириш борасидаги тадбирлар текширишдан ўтказилмоқда.

Россия федерациясида маиший хизматни, шунингдек, Москвада савдо корхоналари ишини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Бошқариш соҳасидаги бир қанча бошқа ғоялар ва ёндашувлар ҳам синаб кўрилмоқда. Хуллас, экономикага планли, социалистик раҳбарлик қилиш энг самарали принциплари ва методлари ҳар қачонгидан кўра, кенг кўламда изланиб, такомиллаштирилмоқда деса бўлади.

Ўзини оқлаган барча қимматли принцип ва методларни танлаб олиб, уларни ўн иккинчи беш йилликдаёқ экономикани бошқариш практикасига кенг жорий этиш назарда тутилмоқда.

Катта ишлар амалга оширилганлигини кўриб турибмиз. Аммо ҳали кўп иш қилиниши керак. Айни шу боисдан партия Марказий Комитети яқин вақт ичида бошқарув механизмини комплекс такомиллаштириш программасини ишлаб чиқиш, уни халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ортиб бораётган талабларига мувофиқлаштириш вазифасини ўртага қўйди.

Аммо бу хўжалик раҳбарлари программа устидаги ишларнинг тугалланишини, марказдан кўрсатмалар берилишини кутишлари керак, деган маънони билдирмайди, албатта. Корхоналар ва бирлашмалар, министрликлар ва идоралар, маҳаллий органлар ҳозирнинг ўзидаёқ улар ихтиёрига ажратиб берилган ресурслардан самарали фойдаланиш учун етарлича ҳуқуқ ва имкониятларга эгадирлар. Ана шу ҳуқуқлар ҳамда имкониятлардан ҳамма жойда моҳирлик билан фойдаланиш ҳам керак.

Биронта ҳам социал-иқтисодий проблемани меҳнаткашларнинг актив иштирокисиз, уларнинг кенг кўламдаги мададисиз ҳал этиб бўлмаслигини партия яхши тушунади. Москванинг ифтихори — унинг қаҳрамон ишчилар синфи ишлаб чиқаришни интенсивлаш, маҳсулотнинг юксак техникавий даражаси ва сифати учун курашнинг авангардида боришига ишончим комил.

Москва ишчилари, деган эди Владимир Ильич Ленин, ҳамма вақт намуна бўлиб келдилар... намуна бўлишлари шубҳасиздир, бошқа шаҳарларнинг ишчилари эса улардан ўрнак оладилар.

Халқнинг турмуш даражасини ошириш масалалари тўғрисида партия билан ҳукумат алоҳида ғамхўрлик қилиб келдилар ва ҳамон ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу йил мамлакат миллий даромадининг жами ўсиши социал мақсадларга сарфланади.

Давлат уй-жой коммунал қурилишнинг ўзига 1981—1984 йилларда беш йиллик пландан ташқари 9 миллиард сўм ажратди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ биз комил ишонч билан айта оламизки, XXVI съезднинг ижтимоий истеъмол фондларини ўстириш, кадрлар тайёрлаш, болалар муассасалари ва даволаш муассасаларини ривожлантириш, уй-жой қурилиши каби ғоят муҳим кўрсаткичлар ҳамда бошқа бир қанча кўрсаткичлар юзасидан ўн биринчи беш йилликка белгилаган топшириқлари бажарилади. Бу эса шу беш йилликда 24 миллион йигит ва қиз ўрта маълумот олишини, ўн миллион киши олий мактаблар ва техникумларни битириб чиқишини, 50 миллион граждан уй-жой шароитини яхшилаб олишини билдиради. Деярли ҳамма жойда болаларни мактабгача тарбия муассасаларига жойлаштиришдаги қийинчилик тугатилади. Шундай муассасалар қурилишига етарли миқдорда маблағ ажратилмоқда. Маҳаллий Советлар ва корхоналар шу маблағларни тўғри тасарруф этишлари, уларнинг ўзлаштирилишини ва мактабгача тарбия муассасалари ўз вақтида ишга туширилишини таъминлашлари керак.

Болали оилаларга ёрдам бериш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Шуниси қувончлики, ўтган йили беш ярим миллион, урушдан кейинги йилларнинг ҳаммасига қараганда, кўпроқ янги совет граждани дунёга келди! Бу эса ажойибдир!

Фарзанд туғилиши оиланинггина эмас, қардош республикаларимиз халқлари ҳар бир оиласининг қувончи бўлиб қолади. Болалар бутун мамлакатнинг келажагидир. Ота-оналарга бахт-саодат ва омон-эсонлик, Советлар мамлакати болаларига сиҳат-саломатлик ва бахтиёр турмуш тилаймиз!

Харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш учун ҳозиргача талайгина ишлар қилинди. Аммо ҳали кўпгина масалалар ҳал этилиши керак.

Аҳолининг талаб-эҳтиёжлари анча ўсганлигини, молларнинг сифатига, уларнинг турлари хилма-хил бўлишига нисбатан талаблар ошганлигини ҳисобга олиб, шу йилнинг ўзидаёқ енгил саноатда пойабзал, кийим-кечак, устки трикотажнинг қарийб 35-40 процентини янгилаш кўзда тутилган. Кейинги икки-уч йил ичида аҳолига ёғоч-тахта ва бинокорлик материаллари сотиш анча кўпайди.

Хуллас, биз талаб билан таклифнинг тўла мутаносиблигига эришиш, тақчиллик, магазинларда навбат кутиш, хизмат кўрсатиш маданиятининг пастлиги каби салбий ҳолатларга тезроқ барҳам бериш сари муттасил олға бораверамиз.

Одамларнинг кайфияти, улар меҳнатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан савдо ва маиший хизмат корхоналарининг иш сифатига боғлиқдир. Яқин вақт ичида хизмат соҳасини, шу жумладан, меҳнаткашларнинг бевосита иш жойида ҳам анча кенгайтиришга эришиш лозим бўлади. Мана шу масалаларнинг ҳаммаси халқ депутатлари Советларининг, касаба союзлари ва хўжалик раҳбарларининг диққат марказида бўлиши керак.

Партия кишиларнинг онги ва маданиятини доимо ўстиришга, шахсни ҳар томонлама камол топтиришга ҳамда энг яхши фазилатларни, қобилият ва истеъдодни намоён этиш учун шарт-шароитлар вужудга келтиришга биринчи даражали аҳамият бермоқда.

Бу ўринда мен пойтахт ижодкор зиёлиларининг роли тўғрисида гапириб ўтишни истардим. Москва адабиёт ва санъат арбоблари совет кишиларининг маънавий турмушини бойитаётган, жаҳон маданиятининг хазинасидан жой олган бойликларни яратдилар. Партия билан халқ маданият усталарининг коммунистик қурилиш ишига қўшган ҳиссасини юксак қадрлайдилар.

Меҳнат аҳлига нисбатан зўр меҳр-муҳаббат билан яратилган, уларнинг ишлари ва юмушлари билан йўғрилган, шахсни эстетик, маънавий камол топтиришга кўмаклашадиган, социалистик идеалларимизни, совет ватанпарварлигини қарор топтирадиган талантли, юксак бадиий асарлар бизда ҳамиша эъзозланиб, қўллаб-қувватланади!

Совет халқи яқин ўн беш-йигирма йил мобайнида кўлами жиҳатидан ғоят катта ва буюк тарихий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этиши керак.

Партия белгилаб берган кенг бунёдкорлик программаси конкрет планларда мужассам ифодасини топмоқда. Бу планлар партиянинг ҳозирги пайтдаги, шунингдек истиқболдаги сиёсатини кўрсатиб беради.

Биз ҳозир мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган асосий йўналишларини ишлаб чиқишга киришдик. Ўн иккинчи беш йиллик халқ хўжалигининг барча тармоқларини интенсивлашда ҳал қилувчи бурилиш даври бўлиб қолиши керак. Шу асосда совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантириш соҳасида янги катта қадам қўйилади. Унинг ишлаб чиқарувчи кучлари анча юксалади, халқ фаровонлиги талай даражада ошади.

Совет кишилари мамлакатимизнинг барча ютуқларини, унинг истиқболини улуғ коммунистлар партиясининг кўп қиррали фаолияти билан боғламоқдалар. Коммунистик партиянинг обрў-эътибори ниҳоятда юксакдир. Бу обрў-эътибор партиянинг бутун 80 йиллик кураш ва ғалабалари тарихи билан қўлга киритилган.

КПСС ҳамиша ижодий марксизм-ленинизм партияси, революцион ҳаракат партияси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Партия учун меҳнаткаш халқнинг манфаатларидан қимматлироқ ва юксакроқ ҳеч нарса йўқ. Партия меҳнаткаш халққа хизмат қилишни, совет кишиларининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз фаолиятининг моҳияти деб билади.

Партия ўз фаолияти билан чинакам ленинча иш услубини — социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантиришга асосланган илмий, ижодий услубни қарор топтирмоқда. У вазиятга реалистик баҳо бериб, етилган масалалар тўғрисида тўппа-тўғри ва рўйрост гапирмоқда, шу масалаларни қандай қилиб яхшироқ ҳал этиш тўғрисида халқ билан маслаҳатлашиб турибди. Халқ ҳам бунга ишонч ва мадад билан жавоб қайтармоқда.

Совет кишилари Октябрь байроғини баланд кўтариб бораётганликларини ҳаётнинг ўзи, бутун воқелигимиз тасдиқлаб турибди. Бу байроқ бизнинг тинчлик ва коммунистик бунёдкорлик идеалларимиз рамзидир. Биз шу байроққа ҳамиша содиқ бўлиб қоламиз!

Н. А. Тихонов нутқининг охирида юксак ишонч учун йиғилиш қатнашчиларига, Москванинг барча меҳнаткашларига яна бир бор сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этиб, уларга бахт-саодат, улуғ Ватанимиз манфаатлари йўлидаги меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилади.

**(Ўртоқ Н. А. Тихонов нутқи зўр эътибор бериб тингланди ва бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди).**

(ТАСС).

